

**5310901 – Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (Дори воситалари)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари: бакалаврият таълим йўналиши соғлиқни сақлаш тизимининг, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасидаги йўналиш бўлиб, дори воситалари, фармацевтик ишлаб чиқариш корхоналари, стандартлаштириш, сетрификация, ва аккредитация синов марказлари биологик фаол қўшимчалар, фармацевтик ва тиббий маҳсулотлар экспертизаси, назорат таҳлил ва криминалистик ва токсикологик кимё лабораториялари, турли мулкчилик шаклидаги дорихоналарда халқаро стандартлар (ИСО), шунингдек яхши фармацевтика амалиёти стандартларини таъминлаш ва назорат қилиш, клиник-фармакологик таҳлил ва клиник экспериментал лабораториялари , фармацевтикага оид илмий-амалий лойиҳалар мажмуасини қамраб олади.

**5310901 – Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (Дори воситалари)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

дори воситалари, фармацевтик ишлаб чиқариш корхоналари, синов марказлари, назорат таҳлил ва токсикологик кимё лабораториялари, илмий текшириш институтлари, фармацевтикага оид илмий-амалий лойиҳалар.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

**5310901 – Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (Дори воситалари)** таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:

**5310901 – Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (Дори воситалари)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари

аҳолига фармацевтик хизматлар ва тиббий, фармацевтик ва космисевтик маҳсулотлар, биологик фаол қўшимчалар етказиб бериш занжирида маҳсулотлар ва хизматлар сифатни таъминловчи ва уни назорат муҳасислар ишини ташкил қилиш;

синов марказларини ташкил этиш;

фармацевтик ишлаб чиқариш корхоналарида назорат-таҳлил лабораторияларини ташкил этиш;

фармацевт-таҳличи( аналитик) ва фармацевт-назоратчи ишини ташкиллаштириш;

биологик фаол қўшимчалар, фармацевтик маҳсулотлар, тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларини валидациялаш(квалификациялаш);

биологик фаол қўшимчалар, фармацевтик маҳсулотлар, тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш корхоналарида дори воситаларини сифатини таъминлаш ва бошқариш;

биологик фаол қўшимчалар, фармацевтик маҳсулотлар, тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш корхоналарида дори воситаларини сифатини наорат қилиш;

биологик фаол қўшимчалар, фармацевтик маҳсулотлар, тиббиёт буюмларини стандартлаш ва сертификатлаштириш ишларида иштирок этиш;

кимё-токсикологик экспертизалар ўтказиш жараёнида иштирок этиш;клиник олди, клиник таҳлилларни ўтказишга йўналтирилган воситалар, усуллар ва услубларни фармацевтика амалиёти стандартлари асосида ташкил қилиш;

фармацевтик савдо корхоналари ва омборхоналарида дори воситаларини халқаро стандартлар (ИСО), шунингдек яхши фармацевтика амалиёти стандартлари асосида қабул қилиш, сақлаш, қадоқлаш ва тарқатишни таъминлаш;

янги биологик фаол қўшимчалар, дори дармонлар, тиббиёт буюмларини фармацевтик ва тиббий маҳсулотлар тадқиқоти билан шуғулланиш;

фармацевтик ва тиббий маҳсулотлар экспертизаси;

зарур амалиётлар (GXP) талабларига мувофиқлик юзасидан инспекциялар ўтказиш;

дори воситалари ноқонуний айланишининг олдини олиш;

ишлаб чиқариш жараёнлари, хизматлар, менежмент тизимларининг, сертификат амал қилиш даврида белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадида ишчи орган томонидан даврий фармацевтик инспекцияда инспекция назоратини ташкил қилиш;

биологик фаол қўшимчалар, фармацевтик маҳсулотлар, тиббиёт буюмларини фармакологик назоратини ташкил қилиш.